

## Байрамдаги бирдамлик ва бардамлик

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги энергия таъминоти” факультетдаги талаба-қизларни 8-март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан факультет декани А.Исаков, ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев, ўқув-ишлари бўйича декан ўринбосарлари А.Ботиров, ва О.Матчановлар табриклади. Факультет декани сўзга чикиб, факультетдаги талаба-қизларни Институт ректорининг байрам табригини етказиб, баҳор фаслининг энг гўзал шукуҳи, нафосат ва гўзалликни тараннум этувчи 8-март Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этишди.



Ўлкамизга кириб келган илк баҳор ифори сизга доим бетакрор гўзаллик, жозибали нафосат ажиб латофатни ҳады этсин. Айёмингиз муборак, азиз ва мўътабар аёллар! Шунингдек, сизларга келажакдаги орзу-интилишларга, оилаларингизга сихат-саломатлик ҳамда ўқишларингизга муваффақият тилаб қоламиз.



**“ҚСХЕТ” факультетининг Ёшлар  
билан ишлаш декан ўринбосари О.Ҳабибуллаев ахбороти  
ТИҚХММИ матбуот хизмати**